



**Ислом
КАРИМОВ:**

Давлат мустақиллигига эришилгандан кейин биз ўзимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимизни танлаб олдик, бу эса Ўзбекистоннинг қатъий йўлидир.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ Тўғрисида АХБОРОТ

Ўн иккинчи чاقириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 10 декабрь куни ўз ишнин давом эттирди. Мажлисини Олий Кенгаш Равшан Ш. М. Ўйловнинг бошқарди.

Парламент Олий Кенгаш комитетлари тузилиши ва уларнинг таркибидagi ўзгаришлар тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов сессиянинг кечаги мажлисида ахборот берганидан сўнг ноиблардан ташаббусларга жавоб қайтарди.

Олий Кенгаш айрим халқ ноибларининг ноиблик ваколатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Адлия вазири М. Маликов бир гуруҳ халқ ноибларининг «Бирлик»нинг гаيريқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги сўровларига жавоб қайтарди. Олий Кенгаш Адлия ва-

зирлиги ва Республика прокуратурасига шу ҳаракат раҳбариятининг гаيريқонуний фаолиятини текшириб, қонунга мувофиқ чора куришни топширди.

Маданият ва маданий меросни асраш масалалари комитетининг раиси П. Қодировнинг Ўзбекистон Республикаси орденлари ва медалларига доир таклифларини ўрганиш тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Олий Кенгаш Республика Давлат мадҳиясини тасдиқлади ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси ўз ишнин тугаллади.



• Газетанинг шу сонига

ҚУР ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ШУ кунларда ҳар биримиз ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси таасуротлари остида, сессияда республикамиз ҳаётига оид кўриб чиқилган муҳим масалалар таасуроти остида илмомқдамиз. Республикаимиз пойтахтидаги меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ва бошқа жойларда бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларда сўзга чиққан нотиялар Республикаимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлида олиб бораётган серқирра фаолияти ҳақида сўзлаб-тошиб гапириб, ўзларининг миннатдорчилик ҳис-туйғуларини ифоза этмоқдалар.

рўсини янада оширажақлиги ҳақида ҳам тўхталидилар.

МИРОВОД районидagi «Тошйўлқурилик» м о н т т рестининг 400 га яқин иши ва хизматчилари ҳам мустақил Республикаимизнинг биринчи Конституциясининг қабул қилинишига бағишланган тантанали митингга йиғилдилар.

Митингга трест бошқарувчиси Н. Зисман, механизатор А. Раҳматов, 4-ЎҚБ бошлиғи А. Алексеев, Халқ демократик партиясининг трест бошланғич ташкилотчи котиби А. Эзлаббердиевлар сўзга чиқиб Республикаимиз Президентини Ислом Каримовнинг мамлакатимиз истиқлолини мустақамламовчи, миллатимиз раънақига хизмат қилувчи, юртимиз тинчлигини ва оёқ-йишталанигини таъминловчи ишчил сесиятини қўллаб-қувватладилар. Улар мустақил Республикаимизнинг қабул қилинган биринчи Конституциясини зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

АКМАЛ Икромов районининг ўзида кеча учта жойда митинглар бўлиб ўтди. Булар «Средагазавтоматика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-автокомбинат ҳамда Тошкент шаҳар «Тез ёрдам» шифофонасидир.

Бўлиб ўтган митингларда сўзга чиққан Ортиқ Мансуров, Тоҳир Миродилов, Саъдулла Аъзамов, Олим Қосимов ва бошқалар Конституцияни тўла қўллаб-қувватладилар. Улар Президентини раҳмат билан Ислом Каримов олиб бораётган сесиятини яқдиллик билан маъқуладилар.

Йиғилишларда шунингдек, Ўзбекистон халқ ноиблари номига ҳам илиқ сўзлар айтилди. Қабул қилинган Қонунимизга оғиншай амал қилмаверсан, келажакимиз порлоқ бўлади ҳамда ишлашимиз ривож топаверди деган фикрлар билдирилди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
Назира ҚУРВОНОВА,
Ғулом ЮСУПОВ.

БЕКТЕМИР район соғлиқни сақлаш бўлимида ҳам республикамизнинг Асосий Қонуни — Конституциясининг қабул қилинганлигига бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан район санитария-эпидемиология станцияси бош врачининг ўринбосари Вахитер Рихсиев, марказий дорихона мудир Аюбулмалик Иброҳимов, 23-поликлиника бўлими мудир Ирина Гобезарь, 41-поликлиниканинг катта ҳамшираси

Гулбахор Бурхонова ва район касабаношмаси комитети раиси Фаниа Усмовалар бундан кейин 8 декабрнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун сифатида умумхалқ байрами, деб эълон қилини бағишланган гоёт мамнуният билдиришди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар Олий Кенгаш сессияси кун тартибидagi муҳим масалалар ҳақиқимизнинг фаровонлигига хизмат қилажақлиги, мустақил Ўзбекистон об-

иштиқидидир. Уларнинг аниқ шундай эзгу мақсади Ўзбекистон Республикасини пойтахти билан танишини юзадан тизилган кенг ва турли-туман дастурда ўз ифодасини топган.

Хитойлик меҳмонлар шаҳаримизда бир ҳафта бўлган чоғларда «Радио электронрибор», «Ўзбек савдо» концернларида, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий апакомпаниясида, енгил саноат уюмисидида қатор қизиқарли урашувлар ўтказдилар. Авиакомпания бош директорининг ўринбосари Арслон Рўзметов билан суҳбат пайтида улар «Тошкент —

ани» янги авиа йўналишини очиндик эзгу туйғуларини ифоза этдилар.

Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Шухрат Йалиллов ўтказган қабул чоғида маданият, иқтисодиёт, савдо соҳаларида алоқалар ўрнатилиш тўғрисидаги масалалар муҳомада этилди. Қабул якунида Тошкент ва Сянь шаҳарлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатилиш тўғрисидаги баённома имзоланди. Биргаликдаги маслаҳатлашувлардан кейин келгусида икки шаҳар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш хусу-

сидаги аҳдлашувга келишилди.

Хитой делегациясини амалий масалаларини ҳал этиб бўлганидан кейин Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Делегация аэзолари кўна шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикасида жўнаб кетиш чоғида Сянь делегациясининг раҳбари Фу Динде ўзлари билан бирга ўзбек халқининг самимий ҳис-туйғуларини ва меҳмоннавозликларини, Ўзбекистон деганининг سخавонатини олиб кетаётганликларини таъкидлади.

Саид ВОТТРОВ.

ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАР



• Ўзбекистон ва жаҳон

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон Республикасида бўлган қизиқарли тобора ошиб бораётганлигига қўшилди дегиринизга яна бир делегациянинг ташриф буюргани бундан бир дақиқадир. Бу гал Хитойнинг Сянь шаҳри вакиллари Тошкентга меҳмон бўлиб келдилар.

Бу — сянликларнинг шаҳаримизга иккинчи бор ташриф буюришларидир. Девид Тошкент шаҳар Ҳокимининг халқаро алоқалар бўлими маслаҳатчиси М. Ж. Мақсумов — Сянь шаҳри Тошкент билан мустақам дўстона алоқалар ўрнатилиш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган)
Мутал БУРХОНОВ мусиқаси Абдулла ОРИПОВ сўзи



Серқуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:
Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламини маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъади, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ:
Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламини маҳлиё айлаган диёр!

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия комитетининг кеча бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Республика Олий Кенгаши ўн биринчи сессияси якунларини, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини ҳамда Ўзбекистон Республикасини Президентини, партия Раиси Ислом Каримовнинг сессиядаги нутқида баён этилган қондаларини тарғиб этиш ва тушунтиришга доир вазифаларни кўриб чиқилди.

Тошкентда Франция соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамида болалар, касалликларини даволаш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Урта Осиё республикалари, шунингдек Москва ва Киевдан келган олимлар ва мутахассислар иштирок этидилар.

Навоий вилояти Нурота районига 60 километрни газ қувири куришиши илхомсига етмоқда. Уни янги йилгача топшириш мўлжалланган.

ХАМДЎСТЛИКДА

Россия халқ депутатларининг VII съезидида Президент Борис Ельцин 1993 йил январь ойида мамлакатни иқтисодий ва сиёсий тангликдан олиб чиқишни сьездининг ҳозирги тарихини ва Олий Советга ёки Россия Президентига топшириш масаласида умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақида Россия фуқаролари ва берад сайловчиларига мурожаат қилди. Уз навбатида VII съезд халқ депутатлари ҳам Россия халқига мурожаат қабул қилдилар. Съездеда юзга келган тангликдан чиқиш мақсадида Конституциявий суд раиси Валерий Зорькин Россия Президентини билан Олий Кенгаш Раиси ўртасида маслаҳатлашиш олишини таклиф этди. Ана шундай маслаҳат уррашуви бугун бўлиши керак.

Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги можаро яна кескинлашиб кетди. Озарбайжон қудрофа вазирлиги Арманистон қуролли кучлари бўлиналари танклар ва жанговар вертолётлар кўмагида мамлакат чегарасини бузиб, 5 километр ичкаригача киришга муваффақ бўлганликларини, қур-

боллар борлигини маълум қилди. Уз навбатида Арманистон томони Озарбайжон миллий армияси бўлиналари кенг кўламли ҳужум бошлаганликларини маълум қилди.

Арманистон Президентини Левон Тер-Петросян оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган мамлакатига ёрдам кўрсатишни сўраб Туркияга мурожаат қилди.

Бошқирдистон Олий Кенгаши раёсати республика ҳудудига Россия Президентининг ёниги-энергетика мажмуаси корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисидаги фармони амал қилишини тўхтатиб турни тўғрисида қарор қабул қилди.

ХОРИЖДА

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао мамлакатда диний мухолифатчилик оқибатида юзга келган зангликдан чиқиш учун «Бирлашган фронт» ташкили қилишга даъват этди. Индуслар томонидан Алодда шаҳридаги мачит бузиб ташлангандан сўнг мамлакатдаги оммавий тартибсизликлар натижасида ҳозирнинг ўзида 820 киши ҳалок бўлганлиги маълум қилинди.

Югославия Олий республика суди ҳозир иттифоқ Бош вазири вазифасини эгаллаб турган М. Панчиға ўз номзодини Сербия Президентини сайловига қўйишга расман ружсат берди. Маълумки, аввал республика сайлов комиссияси М. Панчи Сербияда прописида турмаслиги ва бир йил мамлакатда яшамаганилиги сабабли Президент сайловига унинг номзодини рўйхатга олишни рад этган эди.

Болгария Социалистик (соци Коммунистик) партияси ўзига берилган ҳукумат тузиш ҳуқуқидан фойдаланишга муваффақ бўлмади. Бу партия томонидан Бош вазир лавозимига кўрсатилган Пётр Болжичев айни пайтда ҳам Болгария, ҳам Франция фуқароси бўлганлиги сабабли мамлакат Президентини Ж. Желев бу номзодини Халқ кенгашига тавсия этишдан бош тортиди.

Утган кунини Қуддусда исроилликлар яна бир фаёлиятини олиб ташладилар. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, шу йилнинг ўзида бу ерда исроиллик ҳарбийлар томонидан ўлдирилган фаёлиятчилар сони 123 тага етди. Сўнгги беш йил ичиди эса 967 нафар фаёлиятчи ҳалок бўлди.

Буюк Британияда тахт меросхўри шаҳзода Чарльз билан мелика Диананинги ўн бир йил турмуш қурганларидан сўнг ажралишлари катта шов-шувга сабаб бўлди.



Маънавий қадриятларимиз БОЙ МИЛЛИЙ ТАРИХИМИЗ САРИ

Очгинни айтганда, биз ўз урф-одатларимиз, қадимий удуларимиз — дангал қилиб айтганда бўлсақ миллий қадриятларимизни деярли унутиб арафасига келиб қолгандик. Чунки замонавий замири билан биз ўз тарихимизни яхши билмасдик, Ватанимизни озодлик, юрт мустақиллиги учун жонини ҳам аямган айрим қаҳрамонларимизга эса ёмон кўз билан қараганимиз ҳам энди сир эмас. Шу жиҳатдан олганда яқинда шахримизда Ўзбекистон халқлари маданияти, тарихий ва этнографик марказининг очилиши нур устига нур бўлди. Бизнинг ушбу марказ ижроа директори Шоҳсӯвор ака Ҳабобуллаев билан суҳбатимиз ҳам Ўзбекистондаги шу йўналишдаги илк марказ фаолияти хусусида бўлди.

— Марказимиз Ҳадра растаси қаторидан жой олган «Оймуша» болалар боғида жойлашган, — дейди Шоҳсӯвор ака. — Ишчи болалар тарбиясидан бошламоқчимиз. Зеро, ота-боболаримизнинг юксак билимли ва маданиятли эканлиги, уларнинг болаларга азгулик уруғларини гўдакларидан синдиригани тўғрисида асарлар мавжуд бўлган. Ал-Хомисийга ушбу мукофот Қоҳирада эмас Байрутда топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган митингда Сурия, Ливан, Йордания, Тунис, Ливиядан вакиллар қатнашди. Ушбу учрашувга Абдурахмон Ал-

— Биласизми, Шайхонтоҳур районига бирорта болалар дам олиш боғи йўқ. «Оймуша»нинг аҳолига бир қаранг. Шундай одам гавжум жойда бўлишига қарамасдан унга деярли ҳеч қим қилмади. Олдин боғнинг умумий майдони 40 гектар қилиб белгиланган экан. Маблағ ва имконият йўқлиги сабабли у борган сари қисқариб, ҳозир бор-йўғи бир неча ўн метр жойни ташкил этади, холос. Бирор-бир нарса қуриш учун маблағ йўқ. Боғни ўзимизнинг тасарруфимизга олганлигимизнинг боиси ҳам шунда. Келажакда бу ерда кўп ишлар амалга оширилади. «Оймуша» Ўзбекистонда биринчи миллий болалар боғи бўлади. Унга бирор-бир миллий ном қўйиш ниятимиз ҳам бор. Шунчалик ўз қадриятларимизни унутиб юборганимиз, ҳатто жар ёқасига бориб қолишимиз. Қайси бир боғга кирмади бирор-бир миллий ўйини урғунмайсиз. Айтайлик, болани ўйинчоқ автоматидан сайр қилади. Хўп, бунинг қандай тарбиявий томони бор? Миллий ўйинларимиз болаларни қаққон, топқир, эпил, кучли, ақлли-одобли қилиб тарбиялайди.

— Урф-одатларимизни тиклаш борасида ҳам маълум ишларни қилишга улуғбосларимиз илгарилари қанчалик тавоват қилишган бўлмасин, улар бутунлай йўқолиб кетган йўқ. Бир тасаввур қилинг, илгарилари Ўзбекининг ҳар бир тўғи улоқ, қураш, қўқор, ҳўроз утқилишига ўтмаган. Бу ўйинларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, тарбиявий томонлари бор. Мисол учун ҳўроз урушини олайлик. Бундай қараганда иккита жонивор бир-бирининг гўштинини юлаётти. Одам эса уларнинг ҳаракатини кўриб уруш, жанжалдан ҳазар қилади. Биз яқинда шахримиздаги ҳўроз уруштурувчиларнинг «учрашув»ни ўтказдик. Халқимизнинг тарихи бой. Уни келажак авлодларга ўргатиш керак. Ҳозирги ёшларимиз деярли ҳеч нимани билдирмади. Бобурдан кўра Шекспирни яхши билмади. Ваҳоланки, бизда мавжуд бўлган ҳар бир нарса ўз тарихи бор. Миллий кийимлар тўғрисида кўпчилик билмайди. У нима учун, қайси пайтда кийилади. Бу саволларга болалар тугул катталарнинг ҳам тўлиқ жавоб бериши қийинроқ. Боғда миллий кийимларнинг нима учун кийилиши, қандай тикилиши ҳақида маълумот берамиз. Кичик-кичик ишлаб чиқариш шохобчаларида болалар ўзлари мустақил равишда ишлашлари мумкин. Бу ерда қосибчилик, заргарлик, кулолчиликни ривожлантиришимиз, Халқимизнинг бири-бирдан мазали кўлача, папир, ширмови каби ном турлари бор. Биз ном музейни ташкил қилиш билан унинг ёнида номнинг қандай тайёрланишини амалда кўрсатувчи «номбойхона» ҳам ишга туширишимиз.

— Ҳозир ботир ислоҳоти деган гап урф-одат бўлиб қолди. Истаганимиз, кўнун шу мақсадга гўхталишга мажбурми...
— Нима ҳам қилдик. Замон шундай, демоқчиликни, маблағни қардан олмаслар. Марказимизга берилган Ўзбекистон халқларининг тарихий, маданий, этнографик маркази деб ном қўйилди. Бу ерда тоқик, қозоқ, яхуди маданий марказлари ҳам иш олиб боради. Маблағ, моддий томондан улар ҳам ердан бериб турилади. Умуман ҳам турли тадбирлар ўтказиб (аския, ҳар хил томошалар), ундан ташқин маблағга хайрия ишларини амалга оширамиз. Бу ишларда бизга олимлар Вилол Аминов (элшунос), Ҳабобулла Нозимов (тарихчи), Дадаҳон Нозимов (меъмор) ва бошқалар ердан бериб турилади.

Мурод АЗИМОВ суҳбатлашди.

НИЛДЕК МУСАФФО, НИЛДЕК УЛУҒВОР

МИСР деганимизда энг аввало Африка қитъасини деярли ярмига об-ҳайт берувчи Буюк Нил дарёси кўз олдимида гавдаланади. Суғра ҳайл қушимиз қадим дунёлар сари парвоз этади. Фиръавилар, уларнинг апри-фарюзи билан ўйлаб йиллар давомида расланган Миср эҳромлари, ярми одам, ярми арслан қиёфасидати кудратли сфинксларни эсламай бўлаемиз! Миср деганда бизнинг кўз олдимида ўша оламга машҳур халифа Ҳорун ар-Рашид, унинг дово ва маккор вазира

Жаъфар Бармакий, жаҳонда энг нодир ҳисобланган «Минг бир кеча» эртақлари гавдаланади. Ҳа, чиндан ҳам Миср Араб Республикаси ўзининг минглаб йиллик тарихи ва таърифи-ларга эга. Бизга араб шарқи дунёси ниҳоятда яқин ва қадрлидир. Буни энг аввало тарихимизда ўз кудрати билан ўчмас из қолдирган алломаларимизнинг ушбу араб тилида ижод этган-лари билан изоҳлаш керак. Жаҳондаги энг

нодир қўлэмалар ҳам айнан шу тилда яратилган билан диққатга сазовордир. Мустақил Ўзбекистонимиз ва Миср Араб Республикаси ўртасида энди ҳам маданият, ҳам қиёсодийёт борасидаги муносабатларимизда янги-янги уфқлар очилди, албатта. Яна умид қиламизки, республикамизнинг Шарқ мамлакатлари, хусусан Миср билан алоқаларининг мустақамлиги иккила халқ ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

ХАЛҚ ОРЗУСИНИ КУЙЛАГАН ШОИР

1980 йилда Абдурахмон Ал-Хомисийга «Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти берилди. Ал-Хомисийга ушбу мукофот Қоҳирада эмас Байрутда топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган митингда Сурия, Ливан, Йордания, Тунис, Ливиядан вакиллар қатнашди. Ушбу учрашувга Абдурахмон Ал-

Хомисий Париждан учиб келди. Унинг кўрinishи ҳорғин, лекин бахтирлиги табассумидан кўриниб турарди. Митингдан кейин Ал-Хомисий дўст-лари билан суҳбат қурди. Унинг ҳамроҳи Париждан бирга келган Фуод ал Тухомий суҳаб, деди: — Биз нега Хомисийни севамиз? Энг аввало унинг Мисрни беқийс,

безавол севиши учун! У Мисрнинг келажиги учун яшади, керак бўлса, келажиги учун жонини ҳам беради, — Бироз жим қолиб, кейин давом этади. — Биласизларми, эллигинчи йилларнинг бошида мен Ҳисбада Хомисий билан бир хонада ётдим. Ушунда у машҳур шоир, мен эсам энди ўн еттига кирган эдим. Ҳа, Абдурахмон Ал-Хомисий ераб

халқининг орзусини, армонини куйлаган шоир эди. У барибир курашиб ёниб яшади. У араб халқи қалбига ҳам оловбардор сифатида мангу яшайди. У Абулвоҳоб ал Батъий син-гари орзулар, армонлар шоирдир. Куйдаги шеър ҳам фикримизнинг қанчалик ростлигига ёрқин гувоҳ бўла олади.



Саҳнамиз Заҳматкашлари

Сотқилардан асрадим омон.
Майли, ҳозир оғир, қўрқинчли,
Дахшат халқни эса бож бор.
Пайт этади, юз очар тинчлик,
Чунки доим куттирар баҳор.

ДОНИШМАНЛИК
— Донишмандлик, нечун қайғуда —

Абдурахмон Ал-ХОМИСИЯ.
Эзилсан, кўрмадиш шодон?!
— Мард деганин номард
сўнги дам,
Қўрқоқ чиқар атаганин
қаҳрамон.

ЎТИНЧ
О, табиим, бир орзу билан,

Яшагайман ёрғун дунёда.
Бир бор бўлса хамки Мисрни
Кўзим кўриб, тўйса эиёда.

Майли, ўтган кунларини ҳам,
Ютақолсин қайғулар тамом.
Фақат тирик эканман доим,
Миср мен-ла яшасин мудом.

Жаҳон маданияти юлдузлари Фотин ХАМАМА:

«ТОШКЕНТНИНГ ҚИЗИМАН»



гулларга қўшилиб, гўдастадек ўтирди гўё. Фақат аниқат якунида: — Мен энди Тошкентнинг ўз қизиман, — деди, — чунки мен бутун шу муқаддас шаҳарда ту-ғилдим. Айтишларича, Фотинхоним шу оқшомни тезтез эслар экан! Авваллари Мисрда фақат кўча раққосалари, қўшиқчи хонимларгина кинода роль ўйнаш мумкин эди. Шарият барчага баробар қатъий эди. Лекин Фотинхоним қўшиқчи ҳам, раққоса ҳам эмасди. Унинг жозибали ташқи кўриниши, ўзига хос лаюфати, назо-кати барча санъат

иниларда Фотинхонимни ўзлари-нинг фильмларига пешма-пеш тақдир этишарди. Ҳатто уларнинг бири «Ҳаллидан ошиб» ҳам келди. Охири-оқибат Фотин Хамама унинг уйда бека бўлиб юз омади. Бу режиссёр Миср киносанъатига улкан ва беқийс ҳисса қўшган Изабелдин Зулфиқор эди. — Сендаги, Фотин, лаюфат, эҳтирос, аёлларга хос бўлган бе-бахо ҳислат — мулоимлик, куч-ли характер ҳар қандай фильмга, албатта, ютуқ келтиради. Шунинг учун енгил-елпи фильмларда роль ўйнашдан ўзининг тий, ази-зам! — Зулфиқор ҳаминша шун-дай деб тақорларди.

Фотинхоним шундан кейин спе-циализация қилиб киноиндустрияга бўлади. Инглиз, енгил фильмларда тобора қамроқ суратга туша бошлади. Шу тариқа «Водийда-ги олишув», «Аллоҳ биз билан», «Осийишта замин», «Боши берк йўл», «Онаҳон Фотима» фильмла-ри юзга келдики, улар Халқаро кинофестивалларда Миср шаънини муносиб ҳимоя қилди. Фотин Ха-маманинг истеъдоди 1952 йилдан сўнг, Миср миллий демократик инқилобидан сўнг янада гуллади. Тошкент кинофестивалида буюк киноустаслари Фотин Хусайн ва Юсуф Идрис, А. Абдулло Ба-ракатнинг «Билкин нолисан», «Ту-ноҳ» фильмлари намойиш этила-ди, улар Фотинхонимни янада юксак чўққиларга кўтарди. У ўз томошабинлари қалбини батамом забт этган эди.

Фотин Хамама ўттиз йилдирки Миср миллий киносининг маина-си тахтини ҳали ҳам тарқ этгани йўқ. У Берлин, Венеция, Кани, Карлова Вари, Москва шаҳарла-ридаги халқаро кинофестиваллар-да қатнашиб, бош совринларни қўлга киритди. — Актрисанинг миллий кино-даги нуфузини сўз билан йодо-лаб бўлмайди. Унинг ҳар бир ижро этган роли Миср аёлининг янги бир қиррасини очиб беради. Хусусан «Фотимани тунда қама-дилар», «Ачиқ ва ширин кун» фильмлари фирримизнинг далили-дир. Унинг ўзи ҳам, ижро этган роллари ҳам исёнор, фидойилик-нинг бетакор тимсоллидир! — Бу ёлғиз интотандиқларнинг эмас, барча санъатсеварларнинг дил сўз-ларидир.

ХТ Тошкент Халқаро кинофестивалида Хайри Бешар ишлаган «Ачиқ ва ширин кун» фильми намойиш этилди. Фотинхоним кинода бўлса ҳам яна она шахри туپроғига қадам қўйди. Шаҳримиз ҳам уни, ўз қизини мустақил Ўз-бекистон Республикаси пойтахти унвомида бағрига босди. Фотин Аҳмад Хамама, кўндан-кўп санъаткорлар орзу қилганган бахтга эришти. Яқинда Миср пой-тахти Қоҳирадаги М. Роуд кўча-сида гўзал қошона — кинотеатр қад кўтарди. Унга «Фотин Хама-ма» деб ном бериши. Бу ўз ўрни-да буюк кино устаси довурига, истеъдодига ўзига хос таъ бериши-дир. Унинг уйига яқин жойда жой-лашган кинотеатр пештоқида чи-роқлар ёнар, минглаб киноишти-болларини ўз бағрига қорларди. Фотин Хамама, ўша мисрлик со-ҳибнамол эса шундир, пул, иш-рат деган нарсалардан йироқ иш-ган соҳибнамол эса буларни, аф-суски энди билмайди.

Ғолиб МИРЗО.

СУРАТДА: Фотин Хамама «Ачиқ ва ширин кун» фильмида.

Қизил Ярим Ой жамғармасига хайрия ўн кунлиги тугади МУХЛИСЛАР ҲАМ ҲИССА ҚЎШИШДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА Қизил Ярим Ой жамияти жамғармаси учун маблаг йиғиш ўн кунлиги жуда кўзгин ва фаол ўтди, десак янглишмайми. Жумладан худди шу мақсадда Тошкент Давлат циркида ҳам шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти томонидан хайрия концерт уюштирилди. Концерт дастуридан энг нуфузли хонанда ва соҳналар ўрин олишганди. Циркнинг томоша маскани эса шахримизнинг саксийалб кишилари билан лик тўлди.

Хайрия концертини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев очиб, жумладан шундай деди: — Азиз, савоатли юрдашлар! Бугунги хайрия йўлида

қилётган ишимизнинг барчасидан бизлар учун эъозли бўлган кинояларимиз, ногиронларимиз ва фахрийларимиз чексиз миннатдордирлар. Уларга вақтида қараб, паравариш-лаб турган Қизил Ярим Ой жамияти ҳамширларига эса ўз миннатдорчилигимизни билдиримиз. Шунинг учун бош бош-қармаиз ҳисобидан 2,5 миллион сўмини, бундан ташқари ҳар бир тиббиёт ходими бир кунлик иш ҳақларини хайрия жам-ғармасига тақдим этимиз.

Хайрия кечасида иштирок этган «Миконда» заводи 500 минг, агрегат заводи 220 минг, ижарадеги «Орзу» чарма-атторли ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси 120 минг, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси 50 минг, Сер-

гели район халқ таълими бўлими 100 минг сўм пулни жам-ғарма ҳисобига топширдилар. Кечда Ўзбекистон халқ артистлари Гуломжон Екубова ва Хайрулла Лутфуллаев, республикада кизмат кўрсатган ар-тистлардан Махдумжон Азимов ва Олимжон Орифжонов, ёш хонанда Мирзиё Мухамедов ва болалар дасталари ўз маҳоратларини намойиш этидилар. «Ором» мактабига ёшга-ги болалар гуруҳи алоҳида дастурлари билан иштирок эт-дилар. Шунингдек, бу хайрия кечасида бошқа санъат ва адабиёт илосмандларини ҳамда диний бошқарма вакиллари ҳам иш-тирок этишди. Саховатли томошабинларнинг кўпчилиги хайрия маблағи учун афғанистан кўтулари ўзларининг хайр-эҳсонларини тақдим этишди. Хайрия кечаси ва катта концерт дастури барчада яхши таассурот қолдирди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: хайрия кечасидан лавҳалар.

Равиль Альбеков суратлари.



Элатлар, одатлар ТЕМИР ТАҚИНЧОҚЛАР ЮРТИ

Қизлар 20 ёшга тўлган гўзаллик раман сифатида лаб ва кулоқларига темирдан ясалган махсус халқа тақи-шмади. Вақти-вақти билан бу халқлар каттерок ҳажмдаги-сига алмаштирилиб, тобора кенгайверади. У қанчалик кет-та бўлса қиз шунчалик гўзал, табиқини, унга уйланиш учун ҳам шунча кўп мол, кўй-эчки талаб этади. Шунингдек, турмушга чиқмаган қизлар тананинг кўрқандан тиззагача бўлган қисмига оғирлиги 5 ки-лограмм бўлган темир пласт-тинка боғлаб оладилар. Бу уларни беравқат ҳомиладор бўлиб қолишдан асрайди. Ногоҳон шундай ҳодиса юз берган тақдирда ўша қиз халқ орасида надоматга қо-лади. Аёл кишида мавжуд бўлган барча тақинчоқларни тақишдан маҳрум этилади. Герики, қабилла урф-одатлари инсонга нисбатан қаттиқ-қўлликка асосланган бўлса-де, сурмаликлар ўз аъяна-ларини дунёда энг адолат-парвар одатлар деб ҳисоб-лашади.

Малик НАБИЕВ.

Ибратли ҳикоятлар

ОТА КЎНГЛИ

ЯҚИН танишларимдан бири бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолди. Ҳар сафар уни кўргани борганимда палатада у билан ёнма-ён ётган қарияга нигоҳим тушади. Бемор отахон саломимга бош қимирлатиш билан алик олади-да, кўзларини оқиста юмиб, уйқута кетгандай бўлиб ётади.

Исмлири Асрор бобо. Бу ерга келганларига ҳам бир ойдан ошпяти, — дейди танишим ташқари мени кузатиб чиқар экан, чол ҳақида гапириб. — Қон босимлари кўтарилган экан, анча тузук бўлиб қолдилар. Врачлар ҳам тез кунда жавоб берамиз дейишляпти. Аммо отани бошқа нарса қийнайди. Кампирлари анча йил бурун вафот этган бўлиб, яқнаю-ягона бир ўғиллари билан қолган эканлар. Ана шу фарзандлари бир ой ичиде бир марта келди, холос. Қариндош-уруғ, яқинлари келиб хабар олиб турибди-ю, аммо, улар ўғилларини ўрнини босишармиди. Ота — ота-да, ўғлини ниҳтилик билан кутади.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, касалхонага яна бордим. Асрор бобо йулакда паст бўлиб, қорачадан келган бир йигит билан гапашиб турар эди. Эшик олдига халат кутиб, бироз туриб қолдим. Шунда беҳтиёр уларнинг суҳбатларига гувоҳ бўлдим.

— Келмайсан, келмайсан, келдингиз невараларингиздан ортмаса, қандай қилиб келдингиз?

— Касалнинг ҳолини сўраш, унга зар сочган билан баробар, ўғлим. Ахир сени шу умидлар билан катта қилганимди. Менга бирор нарса пишриб, кўтариб кел демайман. Касалхонанинг овқати ҳам етди. Фақат куруқ бўлса ҳам инки-чун кунда бир хабар олиб турсанг бас. Шунинг ўзи етди мейга. Қуриб турибсан, ёшим ҳам бир ерга бориб қолди. Кексайдим, қўрқаялман. Бирор қор-қол бўлса, сени кўрмай... — отахон томоғига бир нарса тикилгандай гапиролмай қолди.

— Қариз-да, ўламан деб қўрқитасиз. Худо биледи, ҳали, сиз ўласизми, мен ўламанми. Ваҳима қилмай ётаверинг.

Эшик зарб билан ёшилди, шунчаки ёпилмади, қариянинг юзига тарақси бўлиб тушгандай бўлди.

Асрор бобо ҳоҳсаланиб сўзга ўтириб қолди. Ранглари қув оқарди... Вечора қария! Ҳаёлидан нималар ўталапти экан шу дамда.

Фарзанд! Ота-онанинг ишончи, суянган тоғи. Ота-она дунёга келган мурғаккича чақалонки инсон қилиб намол топтиради. Бу даврда ота-она қанчадан-қанча туғиларни бедор ўтказадилар. Қанчадан-қанча машаққатли кунларни бошидан кечиради. Кексайганда белидан қувати кетиб фарзанди меҳрига муҳтож бўлиб қолади. Афсусли, айрим фарзандлар бунини тушуниб етмайдилар. Ўзлари ҳам кексайиб, белларидан қуват кетганда, ўз хатти-ҳаракатларини фарзандлари ўзларига нисбатан қайтарганда, эй, аттанг, дея беш ушлаб қолишади. Аммо, бу вақтда гишт қилингандан кўчган бўлади.

АТТАНГ

У БИЛАН бир вақтда туғилиб, бир қишлоқда катта бўлганимиз. Бир майзини бўлишиб емасак ичимизга тушмас эди. Аммо сунги пайларда орамиз узоклишти бораётганини ўйлаб «Ҳе, аттанг» деб қўяман, ачинаб. Турганини айтганда Шодибек аввалдан ҳам ҳисоб-китоби йигитлардан эди. Юракдан суҳбатлашиб қолганларимизда у меннинг елкама қўлини қўйиб:

— Турсунали, бир омад қулиб тунов кунги лотереймага машина юзуги янчиб қолармики! Бахтим кўлдан бўлади. Бирга дўст бўлса, у ё-бу ёқларга сайраг борарди. Турганим, дўстим! — деди.

— Қани энди машина ютсанг дўстим, оғир юкимиз енгил, узок йўлимиз яқин бўларди, — дердим гапнинг қуватлаб.

Орадан кўп ўтмади. Яхши ният ярим бахт деганларидек, қишлоғимизда «Шодибек лотерейга» «Янгиғул» машинасини ютибди» деган гап тарқалди. Қўрғанимнинг айтганига. «Оббо, Шодибек дўстим-ей, оббо Шодибек дўстим-ей!» — дердим такрор-такрор. Лекин ўша кунлари тобим қониб кўрпа-ёстиқ қилиб ётганлигим учун табриқлаб уйига бораолмадим. Ҳозир ўзи келиб қолса керак, деб эшик тиз этса «ана келди» деб қараб ётдим. Ундан эса дарак бўлмади. Тузалганимдан сўнг қўшим Рустамжон билан уйига бориб, Шодибекни табриқлаб келишга тўри келди.

Дарвозадан кириб бора эканман, хурсандлигим чексиз эди. Уй хоналарининг бирида ўн-ўн беш йигит чақчақлашиб ўтиришарди. Машина ўша кунги олиб келинган экан. Ошхонада инки-уч аёл қозон-товоқ билан овора. Ҳовли саҳнига кирдим, туриб қолдим. Қулоғимга рордон гаплар чалинди:

— Энди худо берди. Бундан буён унга ширага ёпишган пашшадай ёпишиб олишса керак. Дўст хўрмати, бу гапларни эшитмагандай ичимизга ютдик. Даврада ўтирар эканман ошхонадаги аёлларнинг ҳалиги гаплари, Шодибекнинг совуқроқ кутиб олиши ичимни тирнади.

Уша кунги даврада кўп ўтирмадим. Уйга қайтдим. Мана, уч-тўрт ойдири у меҳнатга келмайди, мен уни кинга бормайман. «Тенгсизлиги энг яқин дўстлар орасига ҳам гоҳида раҳна салади», дейишса ишонмасдим, энди ишондим.

Тунов кунги бекатда беш-олти киши билан автобус кутиб турган эдим, олдидан у машинасини гизиллатиб ўтиб кетди.

— Қалин оғайнинг-ку, тўхтамади-я! — деди бекатда турган танишлардан бири.

— Сезмай қолди, шеклиди, — дедим ичимдан ўқиниб. Яна инки-уч дўстим яхши ният билан лотерейга сотиб олибди. Баъзан ўзимга ўзим савол бераман. Улар ҳам машина ютишса нима бўлади? Юрагим «шув» этди.

Тургун ЖУРАЕВ.

Наботот оламида

АЛЛОМАНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТГАН

УЛКАМИЗДА шувқон билмайдиган одам топилмасе керак. Турли минтақаларда уни оддий шувқон, ола эрмон деб ҳам аташади. Шувқон кўп йиллик ўгли усимлик, илдиз поқсандан кўп сонли, сершоҳ кўнгири рангли илдизлар, калта-калта бачкилар, бир нечта тик ўсувчи, бўйи 1—1,5 метрли, қирралли, қизғиш рангли, тулли; юқори қисми сершоҳ поялар ўсимлик чўққан. Барглари кетма-кет жойлашган, қисқа бандли ёки умуман бандсиз, пол юқорисига қараб майданлашиб боради. Барглари усти томон туксиз, пастки қисми эса сертук, оқиб тусли бўлади. Шувқоннинг кўпгина бошқа усимликлардан фарқи, барглари ўсимлик шекли, чет қирқинчи, катталари хилма-хиллигиндир. Шифобахш маҳсулот сифатида усимлик поқсандан 25—30 сантиметр узунлигидаги ички қисми ўриб олинди ва сал-

қин ерда куртилди. Қуртилган хом ашёнинг таркибиде эфир мойлари, алкохоллар, дармондорилар, ошловчи моддалар ва бошқалар бор. Шувқон азелдан халқ табобатида кенг қўлланиб келинади. Бу гўёхга буюк аллома Абу Али ибн Сино ҳам катта эътибор берган. Ҳеҳим «Тиб қоллар» асарининг 119-сакхифасида шундай аздади: «Куюк а суюк ҳолда бошга қўйиб боғласа а қўйилса, совуқдан бўлган беш оғригига фойда қилади. Енгил қайнатилгани бурун тиклимасига ва тумоғига фойда қилади. Буярқадеги тошин майданлайди...» Турли мамлакатларнинг илмий ва халқ табобатида шувқон бронхит, диспнеяси, ўт ўғилларига тош келиши, чакка сиклиши, сервотон, тиреотоксикоз, син, тутқанок ва шу каби бошқа хасталиқларни даволашга тавсия этишади.

Шотурсун УСМОНОВ.

Ҳар чоракда пул мукофоти



АРИСТОТЕЛЬ ҲАҚ ЭДИ

«ЭНДИ маърузани бошлаймиз!» — Аристотель шундай деб кўчага шошилди. Уқувчилар унинг кетидан интидилар. Унинг одати шундай эди. Маърузани очиб ҳавода юриб туриб ўқирди. Бу галги дарс ерининг шакли тўғрисида эди. Яқинларгача кишилар ери океан билан қўршалган текис орол шаклида тасаввур қилганларини, ундан илгари Фалес ва Мимта «Океан ери остиде жойлашган» деганларини таъкидлаб ўтди. У анча ўйлаб ўтирганидан сўнг, қўёш соатига қараб ўқувчиларини чақирди.

— Ери текис деб тахмин қилинглр. Унинг устида қўёш қурилариди. Қўёш унинг ҳамма жойини бир текис ёритиши керак. Узоқ ва яқин мамлакатларини ҳам. Аммо биз биламизки, шундай эмас. Турли мамлакатларда тонг ҳар хил вақтда отади. Бу эса бизнинг Афина вақтимизга тўғри келмайди. Агар ер устини қабарик деб оласан-чи? У ҳолда ҳамма нарса осонгина тушунарли бўлади. Чунки қўёш бошимиз устида тобора юқори кўтарила боради. Унинг нурулари тобора узоққа туша боради. Тун қоронғиси аста чекина боради. Ени бошқа бир мисолни олайлик. Мана, юлдузларга тўла

осмон. Жанубга ёки шимолга борсан, осмон бошқа кўринишга эга бўлади. Бошингиз устидаги юлдузлар ўз жойларини ўзгартирмайдиларми? Ени энг яхшиси юлдузларга эмас, ойга назар ташланг. Еримиз қўёш билан ой оралиғида жойлашган пайтда унинг сояси ойга тушиши жараёнини олинг. Тилла ой тўғраги ер сояси билан қопланганда, у соя юмалоқ эканлиги сизга ерининг шарлигидан далилат берадими?..

Маиҳур кишилар ҳаётидан

Ҳа, доно файласуф ҳақ эди. Аристотель биринчилар қатори сайёрамиз шар шаклида эканлигини пайқайди. У бу далилни оддий таққослашлар тўғрисида, бундан кўп асер илгари айтди.

ОМАД КУЛИБ БОҚМАДИ

КОЛУМБ Куба соҳилига навбатдаги сафарига қўллаб пахталарни кўрди. Орол аҳолиси ил-газламалардан таёйрланган ҳар хил ўзига хос кийимлар кишиб яса-

Суратли ахборот

ЯҚИНДА Бектемир районида эсда қоладиган тадбир ўтказилди. Қобиллатли ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида район халқ таълими бўлими низоом ишлаб чиқди. Ушбу низоом бўйича ўқишда яхши ва аъло баҳо-ларга эришганлар, намунали хулқга эга бўлиб, мактаб ва жамоат ишларинда фаол қатнашган ўқувчилар ҳамда фан олимпадалари гоили-ларига 150 сўм миқдориде стипендия таъин этилди. Бу ўзига хос моддий рағбат-лантириш ҳар чоракнинг яқини бўйича ўқитувчилар кенгаши қарори асосида амалга оширилади. Стипен-дия ажратадиган ҳомиилар қаторида район ҳокимлиги, Халқ демократик партияси, район кенгаши, ёшлар қомитети, оталиқ ташкилот-лардан Марказий махсус ишлаб чиқариш ва таъмир-лаш корхонаси, «Узводрем-стройэксплуатация» респуб-лика ишлаб чиқариш бир-лашмаси, «Иргидромаш» за-води, мотор заводи, қурилиш ускуналарни комбинатларини таъкидлаш мумкин. Стипен-дияга райондаги беш мактаб-дан 37 ўқувчи эга бўлди.

Усмон УСМОНОВ. СУРАТДА: мукофотни топиришдан бир лаҳза. Муаллиф, сурати.



Бизни ўйлантираётган муаммолар

МАЙМУН ЎЗ ҲОЛИГА ЎЗИ ЙИҒЛАЙДИ

БИР пайлар жаҳондаги ўта энг яхши ҳайвонот боғлари-дан бири бўлиб, етти иклиннинг жонзотларини ўқратиш мум-кин эди бир ерда. Эндичи! Энди уларнинг тўртдан бири ҳам қолмаган. Жуда кўп кафедрлар бўшиб ётибди. Бор ҳайвонлар ҳам табиат ато этган кўркимни йўқотиб, озим-тузим кетган. Агар кафедр қиниғи борсангиз, бирор егулик илчиғиде сиз-га қараб талпинишади. Жонивонлар оч-да!

Тошкент ҳайвонот боғидаги бундай ҳол хўжалик ҳисобига ўтишдан бошланди. Швейцария ва бошқа хорижий давлатлар билан шартномалар тузилди. Дастлаб, ишлар яхши бораётган-дай эди. Кейинчалик бу усул боғга тўғри келмаслиғи маъ-лум бўлиб қолди. Чунки жамоа ўзини мабғаб билан таъмин-лай олмайди. Натижеде баъзи ҳайвонлар касалликларга чалин-ди. Фил, денгиз мушуги, Африка мушуги ҳамда бошқа ноёб жониворлар озуқа етишмаслигиндан кемайиб кетди. Анчадан бери йўлбарс, шерлар қуватсиз гўшт билан овқатланишляп-ти. Балиқхўр қушлар эса кўпдан буён денгиз балиқлари ма-засини татишмаган.

Умуман, ҳайвонот боғига тушайтган фойде, ажратилган мабғаб қарғега кетаётган экан! Агар ойлик сифатида берила-пти, десак олий маълумотли илмий ходимлар 2 минг — 2,5 минг сўм маош оладилар. Икки юздан ортик ишчилар жамоасидан ҳазор 127 киши қолган. Муаммолар бир-бирига боғланиб кетган. Истироҳат боғларига етишмай ётган аттрак-цион автодромлар бу ерда бор. Уларнинг шовқини сукутан бегриде яшашга ўрганган ҳайвонларга ҳалақит беради. Айниқ-са, автодром яқинидаги қондранинг (тоғда яшовчи қуш) тир-решини қўрсангиз эди. Атракционни бошқа жойга қўчириш эса ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Анчадан бери ҳайвонот боғидаги биттагина фил касал, Олд панжаси жууда ўсиб кетиб, туролмай қолган. Уч ой давомиде у кўтерма қисм ердамида яшайди.

Яқинда ҳайвонот боғига келган бельгиялик меҳмонлар туялар билан қизиқиб қолишди. Уларни сотиб олмақчилик Албатта ҳаммасини эмас. Бог маъмуриятининг бошқа чораси қолмади шеклиди, туяларни сотишга мажбур бўлмақда. Ле-кин фақат буғунги эмас, эртани ҳам ўйлаш керак. Шу ўрнида буш кафедрларда ёмиш сифатида хонаки ҳай-вонлар масалан, товуқларни қўйайтирса бўлмасмикин, деган фйкр туғилди. Чунки уларнинг тукуми қушларга, гўшти ҳай-вонларга озуқа бўлармики. Еки хашак етиштирадиган жамоа хўжалиқлари билан шертнома тузиш мумкинми? Бундан таш-кари ҳайвонот боғи эшити олдиде ширинликлар сотедиган ширкатлар ўрнига юкка қуригилган нон ишлаб чиқаредиган кичик корхоналар қўриқса ҳам даромад келаяди, ҳам ҳай-вонлар учун фойдали. Бунинг учун тадбиркор бўлиш керак. Биз ҳайвонот боғи директори билан бу ердаги мавжуд му-аммолар ҳусусида суҳбатлашиб учун бир неча марта ўриниб кўрдик. Лекин у кишини ўқратишининг иложи бўлмади.

Ҳайвонот боғи табиати ўқратишининг иложи бўлмади. Бир ҳисобиде, бирор ҳозир бу ерда ақсинча улarga бе-меҳрлик билан муносабатда бўлинмади. Уйлаёмизки, бог маъмурият яқин кележакда аҳолини ўнглаш учун бор имкониятларини ишга солади.

Назира СОДИҚОВА.

Буи вақтлариниизда

БОШҚОТИРМА

Кроссворд (кесинган сўзлар)ни ҳал эттиш учун топилаган сўзлар шаклидаги қатағиллар белгиланган рақамли хонадан бошлаб марказга йўналтириб ёзи-лади. Агар тўғри тошган бўлсангиз нукталар ўрни-даги ҳарфлар жамланса шовр Ҳожи Абдулла Ориф-нинг шеърларидан бир парчаси келиб чиқади.

- 1. Ўзбекистонда етиштирилувчи мева хили.
2. Ўзбек халқ достонларидан бири.
3. «Юсуф ва Зулайҳа» достонининг муаллифи, мум-тоз шoir.
4. Ўзбекистон халқ артисти, раққоса.
5. Ўзбекистон миқёсидан кўриққон.
6. Шoirлар мусобақаси, шеърхонлик анжумани.
7. Пахтачилик билан шуғуллашувчи район.
8. Ўзбек киносанъатининг чавандоз, атоқли киноре-жисёр.
9. «Ўзбекистон инжуси» бўлган водий.
10. Чумчуқнамоларга мансуб қуш.
11. Поллиз экани.
12. Коми Яшининг даставвал «Ичарида» деб ном-ланган драмасп.
13. Сатирин журнал.
14. Қадимда «Жайхун» деб ном олган дарё.
15. «Хидистон», «Сайлана» асарлари муаллифи, қо-му-сий олим.
16. Ўзбекистонда кўҳна, қазилма шаҳар.
17. Дифримиздаги энг иссең жой.
18. Ўзбекистонлик биринчи халқаро шахмат грессмейсте-ри.
19. Хоразм воҳасидаги шаҳар.
20. «Зарбулмасал» асарининг муаллифи.
21. «Ўзбек йўлбарси» номини олган жаҳон чемпиони, боксчи.
22. Ўзбек саркардаси, Улуғ Ватан уруши қаҳрамони.

Тузувчи: Ашвар МИРЗАЗОДА.

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

ГАП ЁШДАМАС...

О АВСТРИЯДАГИ Зельцбург шеҳри халқи равишда мусиқий шаҳар ҳисобланади. Бу ерда кўплаб таниқли дирижёрлар яшаган. Қизғин шундаки, улар қартайиб қолганларида ҳам концерт беришган. Керл Бем — 86 ёшда, Ник Достель — 85 ёшда, Рихард Штраус ва Артуро Тоскенини — 90 ёш-ларда бўлишган. Ҳатто қария Херберт Фон Кераян дири-жёрлик пулти ёнида турга-нида ўзининг барча хасталиқ-ларини унутган.

О РАДИОХАВАСКОРЛИК — қозирги пайтда Япониядаги энг замонавий ва кенг тарқал-ган «ишқулотлардан» Эфрга чиққидан олдин махсус курс-да таълим олиш зарур ва «ха-васкорлик ҳуқуқини» олиш учун матхон топириш ло-зим. Аммо синовлардан ўтиш-га ҳамма ҳам муваффақ бўле-вермайди. Барча матхонлар-ни муваффақиятли топиришган беш яшар Ицукэ Мацунага эфрга чиққи ҳуқуқини қўлга киритади. У Япониядаги энг ёш радист ҳисобланади.

О САВЕЛИЙ Косенконинг номи Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган. У бор-йўғи ўн бир ёшга тўлганда Техника университети талаба-си бўлди. Савелий 2 ёшли чо-ғидеёқ ўқини билар, 3 ёшда-да тўрт усулни арифметик амалларни бажара оларди. 5 ёшда Жюль Верн асарларини бемалол ўқиб чиқди. 10 ёшда мактаб дастурини тўлиқ эгил-лади.

Инобат МИРЗАЕВА.




Охунбобоев номидаги Еш томошабил-лар театрида ёш ёзувчи Р. Ернев асари асосида таёйрланган «Ҳаёт илпроги» спектакли намойиш этилди. Маъзур эр-так спектакли режиссёр Р. Обидов саҳ-налаштирган. Саҳна асарига жинлар қандай қилиб гуллар шаҳрини тошлар шаҳрига айлантирган ҳақида ҳикол қилинади. Шу шаҳарнинг энг ёш фуқа-роларидан бири жинлар билан курашга

Равиль Альбеков суратлари.

ҲОМИЙЛИК ЙЎЛИ БИЛАН

РЕСПУБЛИКА болалар жамағармаси ҳузурида фао-лият кўрсатаётган «Оруз» фирмаси ўз маҳсулотлари билан танилиб қолди. Фир-ма жамоаси болалар муас-сасалари билан ҳам яқин алоқа боғлаб, уларни ҳар томошлага қўллаб-қувват-лаб келмоқда. Пойтахтнинг Юнус-обод районида жойлашган лицей педагогика жамоаси

Соодат ОДИЛОВА.



Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

